

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНING ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА РЕГЛАМЕНТИ

(кўчирма)

1-бўлим. Регламентнинг мақсади

Мазкур Регламент «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади ва у юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив хизматларни кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

3-бўлим. Терминлар ва атамалар

3.1. Интерактив хизмат – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар

3.2. Компания веб-сайти – Интернет тармоғида www.uzbekinvest.uz ва www.insurance.uz манзиллари бўйича жойлашган компания ҳақидаги (компания тарихи, фаолият соҳаси, кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги батафсил маълумот, алоқа учун контактлар) кўрсатилган матнли ва график ахборотлар мажмуаси.

3.5 Суғурта калькулятори – суғурта маҳсулоти бўйича қабул қилинган тариф ставкасига мувофиқ бирор-бир суғурта маҳсулоти бўйича суғурта бадалини автоматик равишда ҳисоблаб чиқарувчи дастур.

РАЗДЕЛ 7. ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7.1. Компаниянинг интерактив хизматларига қуйидагилар киради:

7.1.1. «Суғурта калькулятори» воситасида суғурта полисининг қийматини ҳисоблаб чиқариш бўйича хизматлар кўрсатиш.

«Суғурта калькулятори» воситасида суғурта полисининг қийматини ҳисоблаб чиқариш реал вақт режимида амалга оширилади.

«Суғурта калькулятори» Компаниянинг тариф ставкалари ўзгарган ҳолатларда, сайтни техник қўллаб-қувватлаш бўйича администратор томонидан янгиланади. Ушбу бўлим учун маълумотлар Қалтисликларни бошқариш ва қайта суғурталаш департаменти томонидан, тариф ставкалари ўзгарган кундан бошлаб 10 кун мобайнида тайёрланади.

7.1.2. Компания расмий сайти орқали маслаҳат-ёрдам (консультация) хизматларини кўрсатиш:

Компания сайтида суғуртага оид савол келиб тушганда, у сайтнинг маълумотлар базасида рўйхатга олинади. Ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича администратор келиб тушган саволларни ҳар куни кўриб чиқади. Шундан сўнг савол ўзининг жавоби билан компания сайтнинг тегишли бўлимида автоматик равишда акс эттирилади.

7.1.3. Компания расмий сайти орқали суғурта ходисаси ҳақида ариза бериш:

Суғурта ходисаси тўғрисида ариза келиб тушганда, у сайтнинг маълумотлар базасида рўйхатга олинади. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти келиб тушган сўровларни ҳар куни назорат қилиб боради. Шундан сўнг сўров суғурта даъволарини кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган амалиётга биноан кўриб чиқилади.